

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

МУБАРАКОВА КОМИЛА АБДУВАСИТОВНА

**ЛАЗЕРЛИ КЕРАТОРЕФРАКЦИОН ОПЕРАЦИЯЛАРНИНГ КЛИНИК-
ФУНКЦИОНАЛ НАТИЖАЛАРИГА КЎЗ ЮЗАСИ ҲОЛАТИНИНГ
ТАЪСИРИ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мубаракова Комила Абдуваситовна

Лазерли кераторефракцион операцияларнинг клиник-функционал
натижаларига кўз юзаси ҳолатининг таъсири..... 3

Мубаракова Комила Абдуваситовна

Влияние состояния глазной поверхности на клиничко-функциональные
результаты лазерных кераторефракционных операций..... 25

Mubarakova Komila Abduvasitovna

Influence of the state of the eye surface on the clinic-functional results of
laser keratorefractive operations..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

МУБАРАКОВА КОМИЛА АБДУВАСИТОВНА

**ЛАЗЕРЛИ КЕРАТОРЕФРАКЦИОН ОПЕРАЦИЯЛАРНИНГ КЛИНИК-
ФУНКЦИОНАЛ НАТИЖАЛАРИГА КЎЗ ЮЗАСИ ҲОЛАТИНИНГ
ТАЪСИРИ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Tib1079 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.eye-center.uz), «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги веб-саҳифаларида (www.uzanet.uz) жойлаштирилган.


Илмий раҳбар:	Юсупов Азамат Фарҳадович тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Кремкова Елена Витальевна тиббиёт фанлари доктори, профессор Юлдашева Нодира Махмуджановна тиббиёт фанлари доктори
Етақчи ташкилот:	HanGül Eye Hospital (Сеул, Жанубий Корея)

Диссертация химояси Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил « 7 » апрель соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100173, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 14-уй. Тел: (+99871) 217-49-34, 217-45-63, 217-32-28; факс: (+99871) 217-49-37; e-mail: eye-center@inbox.ru).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ -рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100173, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 14-уй. Тел: (+99871) 217-49-34, 217-45-63, 217-32-28.

Диссертация автореферати 2022 йил « 24 » март кuni тарқатилди.
(2022 йил « 24 » март даги 5 рақамли реестр баённомаси)




М.Х. Каримова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
ўрибосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ш.А. Джалалова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.С. Қасимова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси ўрибосари,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда рефракцион аномалиялар давосининг энг самарали усули кераторефракцион лазер жарроҳлик амалиёти ҳисобланади. Рефракцион жарроҳлик Кенгашининг (АҚШ) маълумотларига кўра, охирги уч йил ичида кераторефракцион амалиётларнинг ўртача йиллик ўсиши 7,5% ни ташкил этди, бу эса ушбу жарроҳлик амалиётининг самарали ва хавфсизлилик жиҳатидан беморлар ишончини мустаҳкамлаб келмоқда. Яқин келажакда кераторефракцион лазер жарроҳлик амалиётларнинг йиллик сони 1 миллиондан ошиши тахмин қилинмоқда.¹ Кўп ҳолларда беморлар кўз юзаси патологияси оқибатида контакт линзаларни кўтара олмаслиги сабабли рефракцион жарроҳликни афзал кўрадилар. Кўз юзасининг кенг тарқалган патологияси «қуруқ кўз» синдромидир. Кўз юзаси ва кўз ёши плёнкасини ўрганиш бўйича Халқаро экспертлар жамияти маълумотларига кўра, дунёда «қуруқ кўз» синдромининг тарқалиши 5% дан 50% гача, айрим аҳоли қатламларида эса 75% га ҳам етади.² «Қуруқ кўз» синдромли беморларнинг 1/3 қисмидан кўпроғида бир вақтнинг ўзида блефарит, конъюнктивит ёки мейбомий безининг дисфункцияси учраши қайд этилган.³ Кўз юзасининг патологиялари кўзнинг кўриш функциясига таъсир қилибгина қолмай, балки беморнинг ҳаёт сифатини пасайтириб, уларда безовталиқ ва тушқунлик белгиларини ривожланишига олиб келади. Шу нуқтаи назардан, кўз юзаси патологияларини ўз вақтида ташхислаш ва замонавий даволаш тизимини такомиллаштириш бу соҳа мутахассислари учун долзарб муаммолардан биридир.

Замонавий жаҳон офтальмологиясида кўз юзаси касалликларини ташхислаш ва даволаш сифатини оширишга қаратилган илмий изланишларга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бу касалликларнинг патогенезини ўрганиш, хусусан, касалликнинг ривожланишига олиб келадиган сабабларни аниқлаш ва клиник диагностика мезонларини такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу касалликларни даволашда патогенезнинг турли босқичларига таъсир қилиш, унинг ривожланишининг олдини олиш усуллари, шунингдек, даволашнинг самарадорлигини оширувчи комплекс усуллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш устуворлигича қолмоқда. Илмий ишларда кераторефракцион лазер операцияларидан олдин ва кейин махсус тадқиқот усуллари қўллаган ҳолда ва шунга мос равишда даволанишни оптималлаштиришда кўз юзасининг тузилишидаги ўзгаришларни, хусусан, кўз ёш плёнкаси, конъюнктива ва мейбомий безлари ролини ўрганиш муҳим ўрин эгаллаб келмоқда.

Мамлакатимизда аҳолининг турли қатламлари орасида офтальмологик касалликларни эрта аниқлаш ва даволашга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда, бу борада «...аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек,

¹ Refractive Surgery Council of USA (2018).

² Tear Film and Ocular Surface Society International Dry Eye Workshop II Report (2017).

³ «Современные возможности лечения дисфункции мейбомиевых желез» Бржеский В.В. (2020).

тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»⁴ каби вазифалари белгиланган. Шунга кўра, кўриш тизими аъзолари касалликларини камайтириш, ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, хусусан, кўз юзаси касалликларини даволашга янги ёндашиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдам фаолияти тизимини ташкил этиш ва моддий-техник базани келгусида мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади. Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнги йилларда рефракцион жарроҳлик мамлакатимизда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу жарроҳлик тури контакт линза ва кўзойнақдан қутилиш орқали хаёт сифатини яхилаш истагидаги фаол хаёт тарзини олиб борувчи ёш қатламдагиларга қаратилган (Turu L. 2012).

Жарроҳлик амалиётидан кейинги натижалар шифокор ва беморларни қониқтириши учун амалиётдан олдин максимал юқори самарадорлик бера оладиган ҳолатларни тўғри танлай олиш кўникмаси ҳамда муолажадан олдинги тўғри ўтказилган махсус тест ва ўлчов натижалари жуда муҳимдир (Dogru M. 2011). Шу ўринда, кераторефракцион лазер амалиёти натижаларини ва беморнинг қониқишини оптималлаштириш учун жарроҳлик амалиётидан олдин «қуруқ кўз» синдроми билан касалланган беморларни аниқлаш ва даволаш алоҳида аҳамият касб этади (Shtein R.M. 2011). Жарроҳлик амалиётидан кейинги «қуруқ кўз» синдроми одатда 6 ойдан 12 ойгача давом этади, аммо беморларнинг 20% да эса у узок вақт давом этиши ҳолатлари ҳам кузатилган. Беморларнинг аксарият қисмида кўриш ўткирлигидаги

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

ўзгаришлар, айниқса, яқин масофага фокусни жамланишидаги ҳамда қоронғуликда автомобиль ҳайдашдаги қийинчиликлар амалиётдан кейин бир неча ойлар давомида безовта қилиб келиши мумкин (Уилкинсон Ж.М. 2017).

Лазерли жарроҳлик амалиётини ўтказиш истагидаги рефракцион аномалияси мавжуд бўлган беморларнинг аксарият қисми контакт линзалардан фойдаланишади. Узоқ вақт контакт линзалардан фойдаланиш ёки унинг фойдаланиш тартибини бузиш ва ушбу линзаларнинг айрим турлари кўз юзаси ҳолатига салбий таъсир қилади (Nichols J. J. 2006). Кераторефракцион лазер жарроҳлик амалиётидан олдин мавжуд бўлган «қуруқ кўз» синдроми амалиётдан кейин кузатиладиган кўз юзасидаги патологик ўзгаришлар патогенезида асосий роль ўйнайди (Shoja M.R. 2007). Шу хусусда, бугунги кунда «қуруқ кўз» синдроми аниқ ташхислаш ва мониторинги мақсадида кўз юзаси ҳолатини баҳоловчи усулларни ишлаб чиқишга катта эҳтиёж мавжуд. Бутун дунёда замонавий офтальмология соҳасида «қуруқ кўз» синдромини ташхислаш учун бир қанча янги қурилма ва техникалар яратилмоқда (Dohlman T.H. 2016). Аммо шунга қарамай кўз ёш плёнкасининг сувли қисми етишмовчилиги, блефарит, мейбомий беши дисфункцияси, кўзнинг аллергик касалликларини ўзаро қиёсий ташхислашда ёрдам берадиган уневерсал диагностик тест мавжуд эмас (Kelly K. 2011). Идеал ҳолда диагностик тестлар аниқ, нормал қийматлар ўзгаришига нисбатан сезгир, объектив, ноинвазив усулда бўлиши мақсадга мувофиқдир. Шунинг эътиборига олган ҳолда, сўнгги йилларда офтальмология соҳасида «қуруқ кўз» синдромини ташхислашда такомиллашган ноинвазив қурилмалари қўлланилиб келинмоқда. Бу ютуқлар кўз ёш плёнкасининг кўз юзаси ҳолатига ўзаро таъсирини, унинг барқарорлигини ўзгариш даражалари тўғрисидаги маълумотни олиш имкониятини бермоқда (Yokoі N. 2005).

Сўнгги вақтларда кўпчилик офтальмологлар кераторефракцион лазер жарроҳлик амалиётидан олдин беморларда қовоқлар ҳолатини ва мейбомий безлари функциясини баҳолаш зарур деб ҳисоблайдилар. Шунинг таъкидлаш кераки, блефаритни кўз қовоқларининг алоҳида касаллиги деб ҳисоблаш мумкин эмас. Кўз қовоқлари касаллиги 60% ҳолларда кўз ёши плёнкасининг беқарорлиги ва кўз юзаси ҳолатига боғлиқлиги исботланган. Бундан ташқари, блефарит кераторефракцион лазер жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун нисбий қарши кўрсатма бўлиб ҳам ҳисобланади. Бир қанча муаллифлар «қуруқ кўз» синдромини баҳолашда қўлланиладиган бир қанча анъанавий усуллар (Ширмер тести, кўз ёш плёнкасининг ёрилиш вақтини аниқлаш, компрессион синама ва бошқалар) мейбомий безларининг морфофункционал ҳолатини, яъни без каналчаларининг обструкциясини ёки уларнинг атрофияга учраганини самарали баҳолаш имконини бермаслигини таъкидлаб келмоқда (Gary N. Foulks, Anthony J. Bron, 2011). Кўпгина муаллифлар мейбомий беши дисфункцияси ва «қуруқ кўз» синдроми орасидаги боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда, рефракцион жарроҳлик амалиётдан аввал тайёргарлик жараёнига мейбомий беши ҳолатини баҳоловчи диагностик

қурилмалар ва уни даволашни тўғри йўлга қўйилиш кераклиги хақида фикр билдирганлар (Preeya K Gupta 2021).

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, бугунги кунда сурункали «қуруқ кўз» синдромига чалинган контакт линзалардан фойдаланувчи беморларни кераторефракцион лазер жарроҳлик амалиётига тайёрлаш таъминловчи ягона даволаш стандартларини, хусусан, фармакологик воситалардан ва даволаш усулларида фойдаланишда самарадорлиги юқори бўлган тартибларни ишлаб чиқиш ушбу соҳа вакиллари орасида жуда муҳимдир. Эксимер лазер аралашувидан кейин қўлланиладиган чоратабдбирлари масалалари ҳам очиқлигича қолмоқда: амалиётдан кейин кузатиладиган асоратлар давосига ҳамда дори воситаларни қай йўсинда ва қай тартибда қўллаш бўйича ягона ёндашув йўқ. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш зарурки, патофизиологик механизмларнинг хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда адекват давога кўз ёш ўрнини босувчи дори воситалардан ташқари, этиотроп ва патогенетик таъсирга эга даво усуллари қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Отфальмопатологияларнинг олдини олиш, эрта ташҳислаш ва даволашнинг замонавий усуллари жорий этиш» (2018-2023) мавзуси бўйича бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кераторефракцион лазер амалиётларидан кейинги клиник-функционал натижаларга кўз юзаси ҳолатининг таъсирини ўрганиш ва «қуруқ кўз» синдромли беморларни амалиётдан олдинги тайёргарлигига ҳамда амалиётдан кейин олиб борилишига комплекс дифференциал ёндашув алгоритминини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

турли шаклдаги «қуруқ кўз» синдромли кераторефракцион лазер амалиёти режалаштириладиган беморларда инвазив ва ноинвазив диагностика маълумотларига асосланиб, кўз юзаси ҳолати ҳамда кўз ёши плёнкаси хусусиятларини баҳолаш;

«қуруқ кўз» синдроми давосига комплекс ёндашув самарадорлигини баҳолаш ҳамда кўз ёши плёнкаси ҳолатининг амалиётдан олдин ҳисоблашдаги рефракцион хатоликлар частотасига ва амалиёт натижалари башоратига таъсирини ўрганиш;

«қуруқ кўз» синдромли беморларда амалиётдан кейинги даврда кузатиладиган асоратлар ва салбий ҳиссиётлар учраш частотасини аниқлаш;

мейбомий беги дисфункцияси фонидagi «қуруқ кўз» синдромли беморларда кўз ёш плёнкасининг ноинвазив ёрилиш вақти, интерферометрия, менискометрия ва контакtsiz мейбография маълумотлари асосида интенсив импульсли нур ёрдамида патогенетик йўналтирилган комплекс даво самарадорлигини баҳолаш;

кераторефракцион лазер амалиётларини режалаштиришда турли хил этиологияли «куруқ кўз» синдромли беморларни амалиётдан олдинги тайёргарлигига ҳамда амалиётдан кейин олиб борилишига комплекс дифференциал ёндашув алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида “SIHAT KO`Z” клиникасида 2019-2020 йилларда кераторефракцион лазер жарроҳлик амалиётига режалаштирилган «куруқ кўз» синдромли 158 нафар (316 та кўз) бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида кўриш ўткирлиги, биомикроскопия, кератотопография, рефрактометрия, Ширмер тести, Норм синамасы, ОКТ-менискометрия кўрсаткичлари, шунингдек, “LacryDiag” диагностика ускунасидаги (кўз ёши плёнкасининг ноинвазив ёрилиш вақти, интерферометрия, менискометрия, мейбография) ва OSDI сўровномаси натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Вазифаларни ҳал қилиш учун тадқиқотда клиник ва умумофтальмологик (визиометрия, тонометрия, биомикроскопия, офтальмоскопия, авторефрактометрия, биометрия), шунингдек, махсус (OSDI сўровномаси, кератотопография, кератопахиметрия, Ширмер тести, Норм синамасы, ОКТ-менискометрия, «LacryDiag» диагностик ускунасида: кўз ёши плёнкасининг ноинвазив ёрилиш вақтини аниқлаш, интерферометрия, менискометрия, мейбография) ҳамда тадқиқот статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

катта клиник манбада кераторефракцион лазер жарроҳлиги режалаштирилаётган «куруқ кўз» синдромли беморларда кўз юзаси ҳолати ва кўз ёши плёнкаси тўғрисидаги маълумотлар такомиллаштирилган;

илк бор кўз ёши плёнкаси ҳолатининг кераторефракцион лазер амалиёти натижаларини башорат қилинишига, амалиётдан олдин ҳисоблашдаги рефракцион хатоликлар ва асоратларнинг частотасига бўлган таъсири ўрганилиб чиқиб, «куруқ кўз» синдромли беморларни кераторефракцион лазер амалиётдан олдинги тайёргарлигига таклиф қилинган комплекс ёндашув самарадорлиги баҳоланган;

илк бор мейбомий беги дисфункцияси фонидаги «куруқ кўз» синдромли беморларга интенсиф импулсли нур ёрдамида патогенетик йўналтирилган комплекс даво натижалари таҳлил қилинган;

илк бор кераторефракцион лазер жарроҳлигини режалаштиришда турли шаклдаги «куруқ кўз» синдромли беморларни амалиётдан олдинги тайёргарлигига ва амалиётдан кейинги олиб бориш давосига комплекс дифференциал ёндашув алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот давомида турли шаклдаги «куруқ кўз» синдромли беморларда кераторефракцион лазер амалиётларини режалаштиришда ишлатилиши мумкин бўлган инвазив ва ноинвазив тадқиқот усул натижалари асосида кўз юзасининг ҳолати ва кўз ёши плёнкасининг хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар аниқланган;

кераторефракцион лазер амалиётларини режалаштириладиган «курук кўз» синдромли беморларда амалиётдан олдин ҳисоблашдаги рефракцион хатоликлар ва асоратлар учраш частотасини камайтирадиган ҳамда амалиётдан кейин беморларнинг визуал ҳаёт сифатини яхшилайдиган комплекс тайёргарлик ва реабилитация даво тартиблари таклиф қилинган ва ишлаб чиқарилган;

даволаш давомийлигини қисқартириш билан бирга кераторефракцион лазер амалиётдан кейин беморларни реабилитация қилишдаги тиббий-ижтимоий муаммони ҳал қилишга катта ҳисса қўшишга имкон берувчи турли шаклдаги «курук кўз» синдромли беморларнинг амалиётдан олдинги тайёргарлиги ва амалиётдан кейинги давосига комплекс дифференциал ёндашув алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий ишда қўлланилган назарий ёндашувлар ва усуллар, беморларнинг етарли сони ва тадқиқотдаги замонавий, рақамли, бир-бирини тўлдирувчи, клиник-функционал, электрофизиологик ва статистик усуллардан фойдаланганлиги, шунингдек олинган натижаларни халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Илмий нуқтаи назардан, тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти шундаки, тадқиқотдан олинган хулосалар ва таклифлар турли шаклдаги «курук кўз» синдромли кераторефракцион лазер амалиётлари режалаштириладиган беморларни даволашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади. Кўз ёши плёнкасининг ноинвазив ёрилиши вақти, интерферометрия, мейбографиянинг ўрганишда олинган маълумотлар мейбомий безининг дисфункцияси фонидаги «курук кўз» синдроми ривожланиш механизмларини чуқурроқ англашга ва даволаш чораларини ишлаб чиқишга ёрдам бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, турли шаклдаги «курук кўз» синдромли беморларни амалиётдан олдинги тайёргарлиги ва амалиётдан кейинги олиб боришнинг комплекс дифференциал алгоритмининг офтальмология соҳасига киритилиши, ҳисоблашдаги рефракцион хатоликлар ҳамда асоратлар учраш частотасини камайишига имкон берган ҳолда, амалиётдан кейинги даврда беморларни реабилитация қилишнинг иқтисодий харажатларини камайтириб ушбу беморлар визуал ҳаёт сифатини яхшилашга тўртки бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Турли шаклдаги «курук кўз» синдроми даволашда клиник-диагностик жиҳатлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Кераторефракцион лазер операциялари аспектида «курук кўз» синдромини даволашга комплекс ёндашув» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 22 декабрдаги 8н-р/627-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома кераторефракцион лазер операцияларини режалаштиришда «курук кўз» синдромли беморларни

даволаш тактикасини такомиллаштиришга, операция вақтидаги асоратлар сонини камайтиришга ва операциядан кейинги реабилитация даврини қисқартиришга имкон берган;

«Мейбомий беги дисфункциясининг диагностикаси ва даволаш усулларини такомиллаштириш» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги 8н-р/ 316-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома мейбомий безининг дисфункциясини ташхислаш ва даволаш самарадорлигини оширишга имкон берган;

Кўз юзаси патологияларини ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика клиник офтальмологик шифохонаси ва Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 2 февралдаги 8н-д/ 49-сон маълумотномаси). Олинган натижаларни жорий қилиниши кўз юзаси патологиялари бўлган беморларни ташхислаш ва даволаш самарадорлигини оширишга, бу эса ўз навбатида даволанишнинг иқтисодий харажатларини камайтиришга, операциядан кейинги реабилитация даврини қисқартиришга ва ушбу касалликлар билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшиланишига имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 109 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган; тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети таърифи тузилган; тадқиқотнинг республика фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган; тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган; илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган; тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш, шунингдек эълон қилинган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Кераторефракцион лазер жарроҳлигида кўз юзаси патологияси муаммолари**» деб номланган биринчи бобида муаммонинг ҳозирги ҳолати, хусусан, кўз юзаси ҳолати патогенези ва уни даволашга оид адабиётлар шарҳи келтирилган. Этиологик хавф омиллари, кўз юзаси

холотидаги ўзгаришлар ривожланиши ва прогрессиясида «куруқ кўз» синдромининг тутган ўрни кўриб чиқилган, ушбу патологияни консерватив, дори-дармон, аппарат ва жарроҳлик йўли билан даволаш натижалари келтирилган. Шунингдек «куруқ кўз» синдроми (ҚҚС) ривожланишида мейбомий беги дисфункциясининг ўрни ўрганиб чиқилган. Кераторефракцион лазер жарроҳлигини режалаштиришда кўз юзаси патологиясидаги ўзгаришлар сабабли юзага келадиган асоратлар хақида ҳам тўхталиб ўтилган.

Диссертациянинг «Кўз юзаси патологияси мавжуд беморларни даволашдаги материал ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва усуллари тасвирланган. Илмий иш асосига 2019-2020 йй. мобайнида «SINAT KO`Z» клиникасида кераторефракцион лазер амалиётлари режалаштирилган ҚҚС ли 158 нафар (316 та кўз) бемор текшириш ва даволаш натижалари қўйилган.

Беморларнинг жинси бўйича тақсимланиши қуйидагича бўлди: 96 (60,7%) аёллар, 62 (39,3%) эркеклар. Ўрганилган беморларнинг ёши 18 ёшдан 45 ёшгача бўлган, ўртача ёш $31,6 \pm 3,54$ йилни ташкил қилган.

Мейбография ва компрессион синамалар асосида ҚҚС ли беморлар иккита катта кузатув гуруҳига бўлинди: “А” гуруҳ – мейбомий беги дисфункцияси (МБД) мавжуд бўлмаган ҚҚС ли беморлар; “Б” гуруҳ – МБД фонидаги ҚҚС ли беморлар (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал.

Кераторефракцион лазер жарроҳлик амалиёти режалаштирилган «куруқ кўз» синдромли беморларни амалиётдан олдин тайёргарлик ва амалиётдан кейин даволаш учун таклиф қилинган даволаш тартиблари

Мақсад		№1 таклиф этилган тартиб	№2 таклиф этилган тартиб
Амалиётдан олдинги тайёргарлик		амалиётдан олдин контакт линзаларни тақишдан воз кечиш: 2 хафта аввал юмшоқ контакт линза учун; 1 ой аввал қаттиқ контакт линза учун; ковоклар гигиенаси	
Амалиётдан олдинги даво	яллиғланишга қарши даво	-	АБ+ГКС 1 т. 4 м. 2 хафта
	кўз ёши ўрнини босувчи даво	гиалуронат натрий 0,15% 1 т. 4 м. 10 кун	катионли эмульсия 1 т. 4 м. 2 хафта
	шоҳпарда эпителийси трофик бузилишини коррекцияси	витамин А пальмитат 1 м. ухлашдан олдин 10 кун	
Амалиётдан кейинги даво	инфекция профилактикаси ва яллиғланишга қарши даво	АБ+ГКС 1 т. камайиб бориш тартиби бўйича 2 хафта	
	кўз ёши ўрнини босувчи даво	гиалуронат натрий 0,15% 1 т. 6 м. 1 ой	катионли эмульсия 1 т. 6 м. 1 ой
	шоҳпарда эпителийси трофик бузилишини коррекцияси	витамин А пальмитат 1 м. ухлашдан олдин 1 ой	

“А” гуруҳидаги беморлар ўз навбатида даволаш тартибига кўра ва кўз юзаси ҳолатининг кераторефракцион лазерли жарроҳлик амалиёт натижаларига таъсирини ўрганиш мақсадида иккита кичик гуруҳга бўлинди:

- *асосий гуруҳ* – амалиётдан олдин №1 таклиф қилинган комплекс даволаш тартиби буюрилган беморлар;
- *назорат гуруҳи* – амалиётдан олдин даво буюрилмаган беморлар.

“Б” гуруҳидаги беморлар ҳам даво самарадорлигини баҳолаш мақсадида иккита кичик гуруҳга бўлинди:

- *биринчи гуруҳ* – №2 таклиф қилинган комплекс даволаш тартиби ҳамда интенсив импульсли ёруғлик (IPL) ёрдамидаги аппаратли даво буюрилган беморлар;
- *иккинчи гуруҳ* – фақатгина №2 таклиф қилинган комплекс даволаш тартиби буюрилган беморлар.

“А” гуруҳини 90 нафар бемор (180 та кўз) ташкил қилди. Бу гуруҳда 19 та кўзда (21,1 %) юқори, 50 тасида (55,5%) – ўрта, 21 тасида (23,4%) – енгил даражали миопия қайд этилди.

“Б” гуруҳи 68 нафар бемор (136 та кўз) дан иборат бўлиб, 15 та кўзда юқори (22,1%), 35 тасида (51,5%) – ўрта, 18 тасида (26,4%) – енгил даражали миопия қайд этилди.

Тадқиқотдаги беморларни текшириш жараёнида умумофтальмологик ва махсус усуллардан фойдаланилди. Махсус тадқиқот усуллари қуйидаги қурилмаларда ўтказилди:

– *кератотопография* – кўз шох пардасининг оптик ва морфометрик хусусиятларини ноинвазив тарзда ўлчаш мақсадида кератотопограф TMS-4 (Tomey, Корея Республикаси) ускунасидан фойдаланилди.

– *ОКТ-менискометрия* – кўз ёш мениски баландлигини ўлчаш учун компьютерли томограф Zeiss Cirrus 5000 (Zeiss, Германия) ускунасидан фойдаланилди.

– *ҚКС диагностикаси* – Ширмер-1 тести, Норн синамаси ҳамда контраст воситаларсиз ноинвазив усулларни (кўз ёш плёнкасини ноинвазив ёрилиш вақтини аниқлаш, менискометрия, мейбография ва интерферометрия) қўллаш мақсадида LacryDiag (Quantel Medical, Франция) ускунасидан фойдаланилди.

– *ҳаёт сифатини баҳолаш* мақсадида OSDI (Ocular Surface Disease Index – кўз юзаси касаллиги индекси) сўровномасидан фойдаланилди.


LASIK амалиёти VISX Star S4 IR эксимер лазер қурилмасида (“Abbott Medical Optics®”, АҚШ) автоматлаштирилган Amadeus II микрокератомидан (“Ziemer”, Швейцария) фойдаланилган ҳолда бажарилди.

Олинган маълумотлар тавсифловчи статистика усулларида фойдаланган ҳолда Microsoft Office Excel 2021 дастури ёрдамида статистик жиҳатдан қайта ишланди.

«Кераторефракцион лазер жарроҳлик амалиёти режалаштирилаётган «қуруқ кўз» синдромли беморларда кўз юзаси ҳолатини ўрганиш натижалари» деб номланган диссертациянинг учинчи бобида амалиётдан олдин беморларнинг клиник, субъектив ва объектив текширув натижалари таҳлил қилинган.

«Қуруқ кўз» синдромли беморларнинг кераторефракцион лазер амалиётидан олдинги анамнестик маълумотлари 1-расмда келтирилган бўлиб,

беморларнинг 40% дан ортиғи 10 йил ва ундан кўпроқ бўлган муддатда контакт линзалардан фойдаланишган, яримидан кўпроғида эса линзаларни кўтаролмаслик ҳолатлари кузатилган эди.



1-расм. «Қуруқ кўз» синдромли беморларнинг кераторефракцион лазер амалиётидан олдинги анамнестик маълумотлари, %.

Беморларимиз бирламчи кўриғи давомида кўз юзаси: қовоқ қирғоқлари, конъюнктива, мейбомий безлари, шохпарда ҳолатлари баҳоланди. Қуйидаги 2-жадвалда кўз юзаси ҳолатининг биомикроскопик натижалари келтирилган.

2-жадвал.

Тадқиқотдаги беморларда биомикроскопик белгиларнинг кузатилиши

Белгилар	Беморлар сони (абс.)	Нисбати (%)
Гиперемия ва қовоқ қиррасининг шишиши	50	32
Мейбомий безлари найчалари бош қисмининг тиқилиши	68	44
Мейбомий безлари секретининг эвакуациясининг бузилиши (компрессион синама)	68	44
Конъюнктивал инъекция	54	34
Конъюнктива ўтиш бурмаларининг шишиши	45	28
Перилимбал томирларининг кенгайиши ва шох пардага ўсиб кириши	49	31
Кўз ёшида киритмаларнинг мавжудлиги	43	27
Кўз ёш мениски баландлигининг камайиши	48	30
Ипсимон кератит	28	18
Шиллиқ йиғилиши	37	23
Шох парда эпителиопатияси (флюоресцеин синамаси)	35	22

МБД мавжудлигини билиш ёки уни инкор қилиш учун биз ноинвазив ва бажарилиши осон бўлган, компрессион синама усулидан фойдаландик. Ушбу усул ёрдамида биз умумий беморлар когортасидан МБД мавжуд беморларни аниқлаб олдик. Бундай беморлар сони 68 тани, яъни барча ҚКС ли беморларнинг 44% ини ташкил қилди. Ушбу беморларимизнинг барчасида

мейбомий беши секретияси эвакуациясининг бузилиши ва мейбомий безлари найчалари бош қисмининг тиқилиши симптомлари кузатилди.

Шундай қилиб, бизнинг текширувларимизга кўра, узоқ вақт контакт линза фойдаланувчиларининг 44% ида мейбомий безлари зарарланиши кузатилган. Шунга таъкидлаб ўтиш жоизки, мейбомий безлари зарарланиши ҳолатининг аксарият қисми, линзаларни 10 йил ва ундан кўп фойдаланган беморлар орасида кузатилди. Бизнинг фикримизча бундай ҳолат, контакт линзаларнинг нафақат узоқ муддат, балки нотўғри фойдаланилганлиги туфайли ҳам келиб чиқиши мумкин.

Диссертациямизнинг ушбу бобида биз, ҚҚС ташхисини тасдиқловчи субъектив ва биомикроскопик текширувлардан ташқари, OSDI сўровномаси, стандарт синамалар ҳамда МБД мавжуд беморларда ноинвазив текширув усулларида ҳам фойдаландик. Шунга таъкидлаш зарурки, ушбу текширув натижалари таҳлили беморларимизнинг барчасида кўрсаткичларнинг у ёки бу даражада меъёрдан камлигини намоён қилди (кейинги боблардаги жадвалларга қаранг).

Диссертациянинг «Кераторефракцион лазер жарроҳлиги ўтказилаётган «қуруқ кўз» синдромли беморларда комплекс даволаш натижалари» деб номланган тўртинчи бобида ўтказилган комплекс даво натижалари ҳамда кўз юзаси ҳолатининг кераторефракцион жарроҳлик амалиёти клиник-функционал натижаларига таъсири ўрганиб чиқилган.

3-жадвалда келтирилган маълумотларига асосан, асосий гуруҳдаги ҚҚСли беморларни комплекс даволаш натижасида ижобий динамикага эришилганлиги Ширмер-1 тести, Норн синамаси ҳамда менискометрия текширув таҳлилларида намоён бўлди.

3-жадвал.

Тадқиқот гуруҳларида қуруқ кўз синдромли беморларнинг объектив текширув натижалари, $M \pm m$

Кузатув муддатлари	Текширувлар		
	Ширмер-1 тести (мм)	Норн синамаси (сония)	Менискометрия (мкм)
Асосий гуруҳ			
Даводан олдин	7,4±0,36	5,1±0,23	120,3±4,37
Даводан кейин	12,0±0,43	8,3±0,25	141,8±4,35
<i>p-даража</i>	0,001	0,001	0,006
Операциядан 1 ойдан кейин	16,2±0,56*	11,1±0,34*	169,6±4,37*
<i>p-даража</i>	0,001	0,001	0,001
Назорат гуруҳи			
Операциядан олдин	8,31±0,46	5,52±0,33	125,58±4,54
Операциядан 1 ойдан кейин	10,21±0,53	6,93±0,33	119,65±4,30
<i>p-даража</i>	0,85	0,02	0,34

Изоҳ: * - икки гуруҳ кўрсаткичлари орасидаги статистик жиҳатдан ахамиятлилик даражаси $p \leq 0,001$ қийматга эга бўлган фарқ

Ушбу текширув натижалари жарроҳлик амалиётидан олдин иккала гуруҳларда ҳам ўртача қийматлар меъёрий кўрсаткичларга нисбатан статистик аҳамиятли даражада камлигини кўрсатди. Асосий гуруҳда комплекс даво натижасида бу кўрсаткичлар меъёрига қийматларга етиб ижобий натижага эришилди ва шундан кейингина беморларда жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Ушбу гуруҳда жарроҳлик амалиётидан 1 ой ўтгач ушбу текширувлар қайта ўтказилганда кўрсаткичлар меъёрга яқилашганини қайд этдик. Назорат гуруҳида эса асосий гуруҳдан фарқли ўлароқ ижобий натижага эришилмади. Амалиётдан олдин махсус даво ўтказилмаган беморларимиз (назорат гуруҳи беморлари) текширув натижалари амалиётдан 1 ойдан кейин асосий гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан статистик жиҳатдан фарқланганини, яъни ёмонлашганини кўришимиз мумкин.

Комплекс давонинг амалиётдан кейинги даврда кератотопографик кўрсаткичларга таъсири 4-жадвалда келтирилган. Бунга кўра асосий гуруҳда жарроҳлик амалиётдан сўнг 10-кунга K_1 ва K_2 орасидаги фарқ 0,5 дптр дан 1,0 дптр гача ва 1,0 дптр дан катта бўлишига олиб келадиган шохпарда юзасидаги артефактлар тегишли равишда 41,6% ва 18,75% ҳолларда учраган бўлса, кузатувнинг 1-ойга келиб ушбу кўрсаткич 12,5% ва 6,2% гача камайганлигини қайд қилишимиз мумкин, яъни қолган 81,3% ҳолларда текширув пайтида ҳеч қандай артефакт аниқланмаган. Бинобарин, биз ўтказган комплекс даво кўз юзаси, хусусан шохпарда ҳолатига ва кўз ёш плёнкаси тикланишига ижобий таъсир қилди деган хулосага келдик. Назорат гуруҳида эса, худди шу кузатув муддатларида қуйидаги рақамларни кўришимиз мумкин: жарроҳлик амалиётдан сўнг 10-кун ўтгач, K_1 ва K_2 орасидаги фарқ 0,5 дптр дан 1,0 дптр гача ва 1,0 дптр дан кўп ҳолатлар тегишли равишда 32,2% ва 48,8% ташкил қилди; жарроҳлик амалиётдан кейин 1 ой ўтгач эса, ушбу кўрсаткичлар мос равишда 34,5% ва 29,7% га ўзгарди холос. Ушбу ҳолат назорат гуруҳидаги беморларимизда жарроҳлик амалиётига тайёргарлик ҳамда ундан кейинги даволаш чоралари етарли эмаслигини ва бу ўз навбатида рефракцион хатоликларнинг кўпайишига сабаб бўлишини кўрсатади.

4-жадвал.

Тадқиқот гуруҳларида жарроҳлик амалиётдан сўнг кератотопографик кўрсаткичларнинг ўзгариш динамикаси

Кузатув муддатлари	Кератометрик кўрсаткичлар (K_1 ва K_2 орасидаги фарқ)		
	0,5 дптр гача	0,5 дан 1,0 дптр гача	1,0 дптр дан кўп
Асосий гуруҳ [абс. (%)]			
10 кундан сўнг	38 (39,6) ¹	40 (41,7)	18 (18,7) ¹
1 ойдан сўнг	78 (81,25) ^{1;2}	12 (12,5) ^{1;2}	6 (6,25) ^{1;2}
Назорат гуруҳи [абс. (%)]			
10 кундан сўнг	16 (19,0)	27 (32,2)	41 (48,8)
1 ойдан сўнг	30 (35,7)	29 (34,5)	25 (29,8)

- Изоҳ:**
- 1 - икки гуруҳ кўрсаткичлари орасидаги статистик жиҳатдан аҳамиятлилик даражаси $p \leq 0,05$ қийматга эга бўлган фарқ
 - 2 - гуруҳ ичида турли хил муддатлардаги кўрсаткичлар орасидаги статистик жиҳатдан аҳамиятлилик даражаси $p \leq 0,05$ қийматга эга бўлган фарқ

Комплекс давонинг амалиётдан кейинги даврда сфероэквивалент кийматга таъсири ўрганиб чиқилганда (5-жадвалга қаранг) асосий гуруҳдаги сферик компонентнинг жарроҳлик амалиётидан 10 кун ўтгач, $\pm 1,0$ дптр дан ошган кўзлар сони 16 тани (16,6%); $\pm 0,5$ дптр дан $\pm 1,0$ дптр гача 29 тани (30,2%) ташкил қилди. Шунини айтиб ўтиш зарурки, ушбу гуруҳнинг ярмидан кўп аъзолари (53,1%) меъёрдаги ($\pm 0,5$ дптр гача), яъни эмметропик кўрсаткичларга эгаллиги биз учун қувонарли ҳолат бўлди. Жарроҳлик амалиётидан 1 ойдан кейин эса юқоридаги кўрсаткичлар янада ижобий томонга силжиди: $\pm 1,0$ дптр дан ошган кўзлар сони 3 тагача (3,1%); $\pm 0,5$ дптр дан $\pm 1,0$ дптр гача бўлган кўзлар сони эса 16 тагача (16,6%) қамайди. Бунинг натижасида сферик компоненти эмметропик кўрсаткичларга эга бўлган кўзлар сони кескин ошиб, 77 тани (80,2%) ташкил қилди.

5-жадвал.

Тадқиқот гуруҳларида жарроҳлик амалиётидан сўнг сферик компонент даражаларининг учраши ва ўзгариш динамикаси

Кузатув муддатлари	Сферик компонент даражалари		
	$\pm 0,5$ дптр дан кам	$\pm 0,5$ дан $\pm 1,0$ дптр гача	$\pm 1,0$ дптр дан кўп
Асосий гуруҳ [абс. (%)]			
10 кундан сўнг	51 (53,1) ¹	29 (30,2)	16 (16,6) ¹
1 ойдан сўнг	77 (80,2) ^{1;2}	16 (16,6) ^{1;2}	3 (3,1) ^{1;2}
Назорат гуруҳи [абс. (%)]			
10 кундан сўнг	2 (2,4)	36 (42,8)	46 (57,4)
1 ойдан сўнг	19 (22,6)	45 (53,6)	20 (23,8)

- Изоҳ:**
- 1 - икки гуруҳ кўрсаткичлари орасидаги статистик жиҳатдан аҳамиятлилик даражаси $p \leq 0,05$ кийматга эга бўлган фарқ
 - 2 - гуруҳ ичида турли хил муддатлардаги кўрсаткичлар орасидаги статистик жиҳатдан аҳамиятлилик даражаси $p \leq 0,05$ кийматга эга бўлган фарқ

Назорат гуруҳида жарроҳлик амалиётидан кейин 10-куни рефракциянинг сферик компоненти $\pm 1,0$ дптр дан ошган кўзлар сони 46 тани (57,4%), $\pm 0,5$ дптр дан $\pm 1,0$ дптр гача эса 36 тани (42,8%) ташкил қилди. Эмметропик кўзлар сони бу гуруҳда ушбу кузатув муддатида жудаям оз миқдорда, атиги 2 та кўзда (2,4%) учради холос. Жарроҳлик амалиётидан 1 ойдан сўнг сферик компонентнинг $\pm 1,0$ дптр дан юқори бўлган кўзлар сони нисбатан қамайсада, лекин 20 та (23,8%) кўзда сақланиб қолди. Ушбу муддатда текширувимишнинг асосий қисмини $\pm 0,5$ дптр дан $\pm 1,0$ дптр гача бўлган кўзлар сони ташкил қилди (45 та кўз, 53,6%), меъёрдаги рефракцион кийматларга эга бўлган кўзлар сони эса 19 тагача (22,6%) ошди.

Операциядан кейинги юқоридаги кератотопографик кийматлар операциядан кейинги кўриш ўткирлигининг ўзгаришлари билан ҳам тасдиқланди.

6-жадвалда кўриш ўткирлиги кўрсаткичлари жарроҳлик амалиётидан олдин ҳар иккала гуруҳда максимал коррекция билан деярли бир хил бўлганини кўришимиз мумкин. Аммо асосий гуруҳда жарроҳлик амалиётдан

